

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
АХБОРОТ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги 116-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 23 ноябрь куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида “**ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ ВА ФАЛСАФАСИ XXI АСР КЎЗГУСИДА**” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Халқаро конференция доирасида ялпи мажлис ва қуйидаги шўъбалар фаолияти ташкил этилади:

1-шўъба: Тасаввуф: Шарқ ва Ғарб цивилизацияси.

2-шўъба: Тасаввуф тарихи ва манбашунослиги муаммолари.

3-шўъба: Тасаввуф фалсафаси ва герменевтикасининг Ислом ҳамда жаҳон фалсафий тафаккури ривожигаги ўрни

4-шўъба: Тасаввуф адабиёти ва герменевтикаси

5-шўъба: Тасаввуф: глобаллашув жараёни ва руҳий-маънавий тарбия масалалари.

Конференцияда иштирок этишга республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги етакчи шарқшунос, исломшунос, тасаввуфшунос, файласуф ва манбашунос олимлар билан бирга таянч докторантлар, мустақил изланувчилар, иқтидорли магистрант ва талабалар таклиф этилади.

Конференцияда муҳокама қилинадиган масалалар асосида илмий тўплам нашр этилади. Унда иштирок этиш учун маъруза матнлари (электрон вариантда) ва талабномалар **2023 йил 10 ноябрга қадар** қабул қилинади. Тақдим этиладиган мақолалар қуйидаги тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак:

1. *Анжуман материали бир нусхада ва электрон шаклда* иккита файл: мақола (ФИШ_мақола) ва талабнома (ФИШ_талабнома) кўринишида Word doc/docx *форматида*, Times New Roman, 14 кегль, сатрлар оралиғи 1,5 см, саҳифалар чапдан ва юқоридан 2,5 см, пастдан ва ўнгдан 2 см қолдирилган ҳолда бўлиши шарт.

2. Биринчи қаторда, саҳифанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфлар билан мақоланинг номи, 2-қаторда муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, 3-қаторда муаллифнинг иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, 4-қаторда матн ёзилади (намунага қаранг).

3. Асосий матн сатрлар оралиғи 1,5 см интервалда, сатр боши - 1см, сатрларни энига тўғирлаш, сўзларни бошқа қаторга кўчириш - автоматик тарзда бўлиши лозим.

4. *Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати* асосий матндан сўнг, матн ичида

келтирилган кетма-кетликда кўрсатилиши лозим.

5. Мақолалардаги ҳаволалар Scopus, Web of Science ва шу каби ахборот базаларига киритилган журналлардан олинганлигига алоҳида эътибор қаратилади. *Манба ва адабиётга иқтибослар* асосий матн ичида [1] кўринишда бўлиши лозим (намунага қаранг).

6. *Тақдим этилаётган мақолалар ҳажми* 6 бетдан кам бўлмаслиги керак.

7. *Анжуман материаллари* ўзбек, рус, инглиз, араб, форс ва турк тилларида қабул қилинади.

8. Матн илмий-услубий, таҳрир қилинган ҳамда шўъбаларга *мансублиги кўрсатилган* бўлиши лозим.

9. Мақолаларда мавзу юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган бўлиши мақсадга мувофиқ. *Сўнги ялпи мажлисда хулоса ва таклифлар муҳокама қилиниб, якуний тавсиялар қабул қилинади.*

10. Иқтидорли талаба ва магистрларнинг илмий мақолаларига профессор-доцентлар *тақризи* талаб этилади.

11. Барча талабларга жавоб берган ва *таҳрир ҳайъати кўригидан ўтган мақолалар* илмий тўпламга киритилади.

Ташкилий қўмита мақолаларни танлаб олиш ҳуқуқига эга.

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси, (Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 20-уй).

Мақолалар қуйидаги web-саҳифа орқали қабул қилинади:

<https://forms.gle/MwGu2iLVHJSaw6dv6>

Ташкилий қўмита:

Тел.: +998 99 399-00-66

E-mail: tsuos.tasawwuf@gmail.com

Координаторлар:

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич

Тел.: +998 90 940-94-98

E-mail: jafarmuhammad@mail.ru

Алимов Зухриддин Исамутдинович

Тел.: +998 90 167-00-66

E-mail: zuhridin@gmail.com

НАМУНА

МАҚОЛА НОМИ

Иштирокчининг фамилияси, исми, шарифи

илмий даражаси ва унвони, иш жойи.

Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн [1,20] (1- иқтибос рақами, 20-адабиётнинг қайси бетидан олинганлиги) Асосий матн.

Адабиётга иқтибос келтириш тартиби:

Муаллиф. Нашр номи. Нашр қилинган жойи, нашриёт номи, нашр қилинган йили, умумий бети.

Анжуман қатнашчиси талабномасининг намунаси:

1. Фамилия, исм, шарифи _____
2. Илмий даражаси ва унвони _____
3. ORCID _____
4. Иш жойи, лавозими _____
5. Мақоланинг номи _____
6. Телефон _____
7. E-mail _____